



ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ

ВАТАНИИ СЕВИШ, ТИНЧЛИКНИ АСРАШ КЕРАК!

Пойтахтимиз Тошкентдаги Мустақиллик майдони шу кунларда ҳар доимгидан гавжум. Эрта тонгдан бошлаб бу ердан юртимизнинг турли ҳудудларидан келган уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари, ота-оналар, ёшлар қадами узилмайди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ёшлар ҳурмат ва эҳтиром билан қарашди, улар билан суҳбатлашди, саволлар беришди. Қаҳрамон отахонлар инсоният бошига уруш солган кулфатлар, ўзлари гувоҳ бўлган оғир кунлар, ҳамюртларимиз кўрсатган жасоратлар ҳақида ҳикоя қилишди.

Сўнгра Хотира майдонидаги мотамсара она ҳайкали пойига гуллар қўйишди, урушда ҳалок бўлганларни ёд этишди.

Бу майдон кишини ўзгача ҳис-туйғу, ҳаяжонга солади. Атрофга қарасангиз, дарактлар

ҳам сукут сақлаётгандек, нима-лардир деяётгандек туюлади.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ҳамюртларимиз исм-шарифлари битилган «Хотира китоби»ни варақласангиз, юрагингиз эзилади. 18-20 ёшли йигитлар, ўн гулидан бир гули очилмасдан ҳазон бўлишган ...

Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ота-боболаримиз хотираси муҳрланган бу майдон барчани бир гоё атрофда бириктиради: **Ватанини севиш, тинчликни асраш керак!**



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.

ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ЎзХДП ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ ПЛЕНУМИ ТАҲЛИЛИЙ-ТАНҚИДИЙ РУҲДА ЎТДИ. УНДА ПАРТИЯ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ, ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШИ МАСЪУЛЛАРИ, ДЕПУТАТЛАР, «ФАОЛ АЁЛЛАР» ВА «ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ ЕТАКЧИЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Камчиликларимизни бартараф этмасдан туриб, фаолиятимизни кучайтира олмаймиз



Пленумда дастлаб ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Рустам Комилов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар, илгари сурилган вазифалар ижроси юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобохонов эса бугун партия ташкилотлари ҳамда гуруҳларидан ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аниқ тақлифлар бериш ва уларни рўйбга чиқариш борасида катта ташаббускорлик кўрсатиш талаб этилаётганини қайд этди.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДПда СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

Ҳар бир тадбир иштирокчиларни фикрлашга ундаши зарур

■ Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва сиёсий модернизация жараёнларининг самараси кўп жиҳатдан фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигига боғлиқ. Чунки инсон фуқаролик бурчи ва масъулиятини чуқур ҳис қилса, атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини тегаран аниқласа, унда эл-юрт раънақида дахлдорлик туйғуси кучаяди.

Шу боис ЎзХДП Марказий Кенгаши ва ҳудудий партия ташкилотларида 2006 йилдан бери мунтазам равишда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида сиёсий ўқув-семинарлари ўтказиб келинапти. Бундан кўзланган асосий мақсад аввало партия аъзолари, электорат вакиллари ва аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билими ҳамда фаоллигини оширишдан, фуқаролик позициясини мустаҳкамлашдан иборат.

Бугунги кунга келиб, сиёсий ўқувлар партия Марказий Кенгашидан тортиб то

бошлангич ташкилотларига қадар тўрт босқичда олиб борилмоқда. Биринчи босқич Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида ташкил этилса, кейингиси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларида ўтказилимда. Навбатдаги босқич эса туман ва шаҳар кенгашлари миқёсида бўлиб ўтади. Охирида бошлангич ташкилотлар қамраб олинади. **Жорий йилнинг ўтган 3 ойи давомида сиёсий фуқаролик маърифати тизимида партия Марказий Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар кенгашлари ҳамда йирик**

бошлангич партия ташкилотларида 4 мингга яқин машғулот ўтказилди.

Шу кунгача ўтказилган сиёсий ўқувлар партия фаоллари, электорат вакиллари, шу жумладан, ёшлар орасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишларини кенгроқ тушунириш ва тарғиб этиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга бўлган эътиборини янада кучайтирди. Таъкидлаш жоизки, бу каби тизимли равишда ташкил этиб келинган тўрт босқичли туркум машғулотларда партияимиз дастурий мақсадларини тарғиб қилишга, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушуниришга, шунингдек, мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш жараёнларида электорат манфаатларини атрофлича ўрганиш

га алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, биринчи навбатда, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-иқтисодий фаоллигига боғлиқлигини ҳисобга олиб, ҳулоса қилсак, ўқувларнинг савияси ва самарасини ошириш ҳар доим долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Жорий йилнинг ўтган даврида партиянинг Қорақалпоғистон республика, Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоят кенгашлари томонидан ташкил этилган сиёсий семинарларда замонавий интерактив ва сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, ўқувлар мавзусини ёритишда профессионал маърузачиларни жалб этишга эътибор берилди.

► Давоми 2-бетда.

Эътироф

Мустақил ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистонда барча соҳаларда кенг қамровли ислохотлар ҳаётга татбиқ этилди. Мамлакат қиёфаси, унинг шаҳарлари ва минтақалари тубдан ўзгарди. Республика янгилаш ва давлат бошқарувини янада демократлаштиришда, иқтисодиётни изчил ва мутаносиб ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш кечирish даражаси ва сифатини юксалтиришда улкан муваффақиятларни қўлга киритди.

Кюдзо Като, археолог олим, «Дўстлик» ордени соҳиби, Термиз шаҳрининг faxрий фуқароси (Япония).

САМАРҚАНД ФАВВОРАЛАРИ

ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ

1 май кунин Самарқандда «Фавворалар сайли» бўлиб ўтади



Хурлиман НУРЖАНОВА

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ОДАМЛАР БИЗДАН КЎП НАРСА КУТАДИ

Улар бунга ҳақли ва биз бу ишончни оқлашимиз шарт

■ Сурхондарё вилоятида «Биз келажак таянчи ва суянчимиз» шиори остида ёшлар форуми бўлиб ўтди

■ ЎзХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Камчиликларимизни бартараф этмасдан туриб, фаолиятимизни кучайтира олмаймиз

Шундан келиб чиқиб, электорат вакилларининг ҳаётини яхшироқ қилиш, сиёсий маърифат тизимида замонавий интер-фаол усуллар, сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш орқали ўқувлар самардорлигини ошириш, бошланғич партия ташкилотлари ишини изчил йўлга қўйиш, бир сўз билан айтганда, фаолиятимизни тубдан такомиллаштиришимиз зарур.

Ҳабибулла Оқиллов,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,
тиббёт фанлари доктори,
профессор:

— Президентимиз Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисида бугунги кунга эришилган ютуқлар ва олдимизда турган вазифалар ҳақида тўхталар экан, тараққиётнинг биз танлаган «Ўзбек модели» нақадар тўғри, адолатли эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ҳақиқатан ҳам, беш тамойилга асосланган Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли 24 йил давомида ўзини ҳар томонлама оқлаганини бугун ҳар биримиз ўз ҳаётимиз, оилаларимиз фаровонлиги мисолида кўриб турибмиз. Айниқса, мазкур тамойиллардан бири «кучли ижтимоий сиёсат» экани партияимиз аъзолари, депутатлар зиммасига янада катта масъулият юқлайди. Шундай экан, мамлакатимиз ривож, халқимиз фаровонлиги учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар этишимиз зарур.

Бону Азизова,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдори,
ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Барчамизга маълумки, бугун дунёда бандлик, айниқса, ёшларни иш билан таъ-



Самарқанд шаҳар Кенгаши раиси ШОИРА НОРКУЛОВА

минлаш масаласи жиддий муаммага айланган. Кўпчилик мамлакатларда ёшлар ўртасидаги ишсизлик йил сайин ортиб бормоқда. Мамлакатимизда эса аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига аҳоли турмуш фаровонлигини оширишнинг зарур шарти сифатида қаралмоқда. Бу партияимиз дастурининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Хусусан, партияимиз Сайловолди дастурида коллежлар битирувчиларига имтиёзли микрокредитлар бериш, ўз бизнесини очили, яъни тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун уларга мақбул шароит яратилиш масалалари илгари сурилган. 2014-2015 ўқув йилида Тошкент шаҳридаги мавжуд 79 та касб-хунар коллежидан 36 минг нафардан ортиқ битирувчи тамомлашди. Уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, иш берувчи корхона ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш масалалари партияимиз ташкилотлари, депутатларнинг алоҳида эътиборида. Бизнинг депутатлар ёшларни ишга жойлаштириш жараёнида

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ҳудудий ривожланиш дастурларига муқобил таклифлар киритиш, партия Сайловолди дастуридан келиб чиқадиган ижтимоий масалалар юзасидан назорат-таҳлил ишларини кучайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Гулярух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

охиригача фаоллик ва қатъият кўрсатади, виждонан ҳаракат қилади, деб ишонаман. Пленумда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, ҳудудий ривожланиш дастурларига муқобил таклифлар киритиш, партия Сайловолди дастуридан келиб чиқадиган ижтимоий масалалар юзасидан назорат-таҳлил ишларини кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Гулярух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши-нинг пленумида мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловларда вилоят кенгашининг иштироки, демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида партия ташкилотлари олдида турган вазифаларга эътибор қаратилди.

ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматов, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати Муҳаммаджон Йўлдошев ушбу масалалар юзасидан маъруза қилди.

Таъкидландики, сайловларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаол қатнашди, дастурий мақсадларимиз ҳимояси учун курашди. Андижон вилояти бўйича партияимиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 1 нафар, вилоят Кенгашига 12 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 148 нафар депутат сайланди.

Партия ташкилотлари, депутатлар айни пайтда Сайловолди дастурини из-

чил амалга оширишга ҳаракат қилипти. Ислохотларни рўйбга чиқариш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг фаол иштирокчиси бўлмоқда.

Пленум қатнашчиларининг партия фаоллари билан музокаралари қизгин кечди. Ўзга чиққанлар аҳолини ўйлантираётган масалалар юзасидан мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юбориш, қонун ва қарорларнинг бажарилиши устидан таъсирчан депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатиш, электорат манфаатларига хизмат қиладиган масалаларни доимий комиссия, сессиялар муҳокамасига олиб чиқиш каби муҳим вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Ҳар йили туманимизда кўплаб йигит-қизлар касб-хунар коллежларини битиради, — деди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Зухра Охунова. — Демак, иш ўринларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бораверади. Шунинг учун муҳим лойиҳалар асосида кўшимча иш ўринлари яратиш, билимли ва интилувчан ёшларни кўллаб-қувватлаш муҳим масала ҳисобланади. Биз турли тадбирлар орқали депутатлар, мутасадди ташкилотларнинг ёшларни қийнаётган муаммоларга эътиборини кучайтиришга ҳаракат қилишимиз.

— Тўғри, камчиликларимиз оз эмас. Шунга қарамай, биз ўтган қаҳрида етарлича тажрибага эга бўлдик, деб ўйлайман, — деди ЎзХДП Асака туман кенгаши раиси Мўйдинжон Дадажонов. — Очиғини айтсам, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмадик. Айрим масалаларнинг ҳал этилишида депутатларимиз сусткашликка йўл қўйди, электоратимиз манфаатларига хизмат қилмаган масалаларни сессияга киритишда уларга қатъият, фаоллик етишмади. Бу камчиликларни бартараф этиш учун партия ташкилотлари депутатлар билан бир тану, бир жон бўлиб ҳаракат қилиши керак эканлиги яққол намоён бўлди.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Хотамжон Кетмонов қатнашди ва партия ташкилотлари олдида турган вазифалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Пленумда аниқ режалар белгилаб олинди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ИЖТМОИЙ ШЕРИКЛИК

■ Самарқанд шаҳридаги «Шуҳрат» маҳалла фуқаролар йиғинида ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши ташаббуси билан «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзХДП вилоят кенгаши ва шаҳар ҳокимлиги вакиллари, депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилар, ҳамкор ташкилотлардан мутахассислар иштирок этдилар.

Электорат манфаатларига хизмат қиладиган лойиҳа давом этмоқда

Давра суҳбатиде бугунги кунда ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётида тугган ўрни ҳақида сўз борди. Хусусан, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини оширишда тизимда амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти катта экани таъкидланди.

— Электоратимизнинг асосий қисми маҳаллаларда яшайди. Шунинг учун биз ўзини ўзи бошқариш органлари билан ижтимоий шериклик асосида кўллаб масалаларда ўзаро

татлари шаҳар Кенгаши депутати Саноат Зоҳидова доимий комиссиялар йиғилиши ва шаҳар Кенгаши сессияси қарорларининг ижроси тўғрисида маълумот берди. Жумладан, депутатлик бирлашмаларининг манзилли ижтимоий ҳимояга муқтож пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятига алоҳида тўхталди. Нотиқ ўз сўзида ўтган давр мобайнида депутатлик гуруҳи аъзоларининг амалга оширган ишлари, маҳаллаларда ҳимояга муқтож

Электорат вакиллари-га аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида ахборотлар берилди.

ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — деди ЎзХДП шаҳар кенгаши раиси Шоира Норкулова. — Партияимизнинг Сайловолди дастурида ишга жойлаштиришда қийинчиликка учраётган фуқароларимизни инобатга олинаётгани, уни қимдир эшитиётгани, қўллаб-қувватлаётганини билса, ўзига ишончи ортади. Одамларда тadbирга шу тарика қизиқиш пайдо бўлади.

Бугун давр олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг иштироки мамлакатимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, партияимиз тизимида изчил ўтказиб келинаётган сиёсий ўқувларнинг таъсир кучини оширишга эришиш муҳим вазифалардан биридир.

Ўқув семинар қайси мавзуда ўтказилишидан қатъи назар, аниқ фикр ва таклифлар, қўрсатмалар берилиши керак. Номига ўтказилган тадбирларда эса ташкилотларнинг ҳам, иштирокчиларнинг ҳам вақти беҳуда кетади. Аксинча, таъсирчан, кишиларни мулоҳазага, фикр юритишга қорлайдиган ҳар қандай тадбир партияга обрў келтиради.

Абдорасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Тадбир сўнгиде фаол партия аъзолари ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг фахрий ёрликларини билан тақдирланди.

www.xdp.uz
Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

ЎзХДПда СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ



СИЁСИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ДЕПУТАТЛАР ВА ҲУҚУҚШУНОСЛАР ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ЯХШИ САМАРА БЕРМОҚДА. ЯНГИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАЁТГАН ҚОНУНЛАР АҲАМИЯТИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯ ВА ДЕПУТАТЛАРГА БЕРИЛГАН ВАКОЛАТЛАР, ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ МАВЗУЛАРИ КЎПЧИЛИКДА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТМОҚДА.

Айтиш ўринлики, сиёсий машғулотларда депутатлар ва ҳуқуқшунослар иштирокини таъминлаш яхши самара бермоқда. Янги қабул қилинаётган қонунлар аҳамияти, сиёсий партия ва депутатларга берилган ваколатлар, депутатлик назорати мавзуси кўпчиликлда қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, суҳбатлар асносида демократик ислохотларда фаол иштирок этиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш, партия электорати манфаатларига жавоб берадиган, партия дастурий ҳужжатларида акс этган ижтимоий муаммоларни жойларда ҳал этиш билан боғлиқ масалаларда партия фаоллари, электорат вакиллари билан таклифлар олинган.

Афсуски, шуни ҳам таъкидлаш керакки, жойларда ўтаётган ҳамма семинарлар ҳам юқори савияда ташкил этилган, деб бўлмайди. Бу борадаги хато ва камчиликлар, айниқса, бошлан-

ҲАР БИР ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРНИ ФИКРЛАШГА УНДАШИ ЗАРУР

ғич партия ташкилотлари миқёсидаги сиёсий семинарларда кўпроқ кузатилмоқда. Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги айрим туман ва шаҳар кенгашларида ўқувлар тизими ташкил этилмаганди.

Бошланғич партия ташкилотларида ўтказилган сиёсий ўқувлар таҳлили партия доимий электорати ва аҳолининг кенг қатлами орасига кириб боришда сусткашликка йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чорагида Навоий, Фарғона, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида баъзи бошланғич партия ташкилотларида ўқувлар ўтказилишига эътиборсизлик билан қаралган. Айрим ҳолларда мавзу долзарблигига қарамай, семинарларда қўйилган фаоллик, жонли баҳс-мунозара етишмади. Бундан ташқари, баъзи машғулотларда маърузачилар ўзлари тайёрлаб келган умумий мазмундаги матнларни бир хил расмий оҳангда ўқиб эшиттиришлари ҳам кузатилди. Табиийки, бундай пайтда маърузалардан сўнг фикр алмашиш қийин бўлади, таклифлар айтилмайди. Чунки маъруза иштирокчиде қизиқиш уйғотмайди, уларга таъсир кўрсатмайди. Аниқки, бундай тадбирларнинг самараси бўлмайди.

Умуман олганда, партия электорати вакиллари билан мақсадли ижтимоий-сиёсий тадбирлар ўтказишда мажлисбозликдан

қочиш лозим. Электорат билан ишлашда замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланиш зарурлигини шунчаки ўқитишдан қийинчиликка учрашди. Андижон вилояти бўйича партияимиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 1 нафар, вилоят Кенгашига 12 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 148 нафар депутат сайланди.

Партия ташкилотлари, депутатлар айни пайтда Сайловолди дастурини из-

ларда кўпроқ ҳаётини мисоллардан фойдаланиш ҳали ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Имкон борича масала моҳиятига чуқур кириб бориш, кўпроқ иштирокчилардан фикр сўраш керак. Қачонки, киши ўзининг фикри инобатга олинаётгани, уни қимдир эшитиётгани, қўллаб-қувватлаётганини билса, ўзига ишончи ортади. Одамларда тadbирга шу тарика қизиқиш пайдо бўлади.

Бугун давр олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг иштироки мамлакатимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, партияимиз тизимида изчил ўтказиб келинаётган сиёсий ўқувларнинг таъсир кучини оширишга эришиш муҳим вазифалардан биридир.

Ўқув семинар қайси мавзуда ўтказилишидан қатъи назар, аниқ фикр ва таклифлар, қўрсатмалар берилиши керак. Номига ўтказилган тадбирларда эса ташкилотларнинг ҳам, иштирокчиларнинг ҳам вақти беҳуда кетади. Аксинча, таъсирчан, кишиларни мулоҳазага, фикр юритишга қорлайдиган ҳар қандай тадбир партияга обрў келтиради.

Абдорасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЭЪТИЁЖМАНД АҲОЛИ ҚАТЛАМИ МАНФААТЛАРИ УЧУН КУРАШАДИ.



■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ПАРЛАМЕНТДАГИ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТОРАТ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАНФААТЛАРИНИ АКС ЭТТИРИШ УЧУН ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ.

Бугун бунёд этилаётган файзли уйлар, обод кўчалар, маҳаллалар, янги қишлоқлар Тошкент вилояти кўркига кўрк қўшмоқда, одамлар турмуши фаровонлашувига хизмат қилмоқда

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 30-aprel. Payshanba
49 (31.952)-son

www.uzbekistonovozi.uz

3

■ ОБОД МАНЗИЛЛАР

Замонавий қишлоқлар қиёфаси

ҳамюртларимизни қувонтирмоқда, хорижлик меҳмонларнинг ҳавасини келтирмоқда

■ Пскент туманида 2009-2014 йиллар давомида Бирлик, Дўстлик, Эвалак массивлари барпо этилди. Замонавий лойиҳа асосида қурилган мазкур ҳудудларда мактабгача таълим муассасаси, умумтаълим, мусиқа ва санъат мактаблари, касб-хунар коллежи, тиббиёт маскани, спорт иншооти, сервис хизмати кўрсатиш шохобчаси, минимаркет ва банк бинолари мавжуд.



Туманда бунёд этилган массивлар ўрни бундан бешолти йил олдин кўримсиз жойлар эди. Уша вақтда бу ерларда замонавий транспорт ва муҳандислик-коммуникациялари, ижтимоий инфратузилмаларига эга массивлар барпо этилишга ҳеч ким ишонмасди. Истиқлол туфайли кенг қулоқ ёйган бунёдкорлик, янгиланиш, ўша кўримсиз ҳолдаги жойларни бугун бекиёми шаҳарчалар кўринишига олиб келди. Айни вақтда Бирлик, Дўстлик, Эвалак массиви ҳудудларида 200 га яқин турар-жой қад ростлади. Ҳолат

пухта ишлаб чиқилган уй-жой лойиҳаларида оиладаги барча аъзоларнинг эҳтиёжи инобатга олинган. Ушбу янги шаҳарчаларнинг кенг, ёруғ ва файзли кўчалари, ҳовлиларда яшнаб турган турли дарахтлар, гуллар баҳри-дилигизни очди.

— «Қишлоқ қурилиш инвести» инжиниринг компанияси билан шартнома тузгандим, — дейди **Дўстлик массивидаги янги уй соҳибларидан бири Абдулла Абдулаттопов**. — Менга қисқа фурсатда намунавий лойиҳалар бўйича яқна тартибдаги

уй-жойнинг калитини топширишди. Уйимни сифатли қуриб беришгандан қувондим. Шу ўринда яна бир муҳим гапни айтиш. Уйни олиш учун кредит сўраб, «Қишлоқ қурилиш банк»га ариза ёзиб, муҳожат қилгандим. Талабим тезда бажарилиди. Ипотека кредитини қулай шартлар асосида беришгани эса оилам учун катта ёрдам бўлди.

— Туманимиздаги учта массив қурилишига жами 20 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди, — дейди **ЎзХДП Пскент туман кенгаши раиси Дилбар Холиқова**.

— Ушбу бунёдкорликлар давомида янги-янги иш ўринлари яратилмоқда. Қувонарлиси, мана шундай уй-жой эгаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бериладиган имтиёзларда ҳам қулайликлар яратилмоқда. Утган йилларда «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан 15 йилга ажратилган кредитнинг 1 йиллик имтиёзли муддати эндиликда 3 йилга узайтирилди. Шу билан бирга ушбу уй эгаси учун иш ҳақидан олинмадиган қўшимча даромад солиғи, мулк солиғи олинмайди. Агар хонадон эгаси ўзига берилган имтиёздан

фойдаланиб, иш ҳақини ипотека кредитига йўналтирса, амалда 7 фоиздан камроқ пул тўлаган бўлиб чиқади. Бундай қулайлик, яратилаётган қатор имтиёзлар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, фаровонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Пскент туманидаги бунёдкорлик ишларини кўриб хорижлик мутахассислар ҳам ҳайратга тушиб қолди. Замонавий уй-жойлар қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омилли мавзуда бўлиб ўтган халқаро конференция қатнашчиларидан бири, «Living Stone» марказининг лойиҳа менежери (Бельгия) Лютгард Дусар Пскент туманидаги бунёдкорлик ишларини кўриб шундай дедан эди: «Пскент туманидаги Дўстлик массивида барпо этилган замонавий уйлар менда унутилмас таассурот қолдирди. Боиси, замонавий инфратузилмани ривожлантириш ва таъмирлаш бўйича мутахассис сифатида қўллаб-қувватлаш бўлганман, аммо ҳеч қайси давлатда бу масалага Ўзбекистондаги каби ҳар томонлама чўқур ёндашилмайди. Мамлакатингизда қишлоқ масканларида замонавий уй-жойлар барпо этилиши билан бирга таълим, тиббиёт, спорт объектлари қурилишига ҳам алоҳида эътибор

қаратилаётгани менда ҳавас уйғотди. Мазкур массивда ташкил этилган мини-банк аҳолига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун минимал фоиз ставкалари бўйича кредитлар бераётгани ҳам эътиборга лойик».

— Эварам Дилшодхон Бирлик шаҳарчасидаги янги уйлардан бирига кўчиб ўтди, — дейди туманининг «Янги-обод» маҳалласида яшовчи 103 ёшли онахон **Мухторпашахон Акбарова**. — Шинам ҳовлига дарвозахона ажойиб қурилган. Меҳмонхонаси ҳам бор экан. Катталар ва болалар учун алоҳида ётоқхона, ошхона, ювиниш хоналари биз учун жуда мос. Кўриб кўнглим тоғдек кўтарилди. Шундоқ ёруғ кўнларга етиб келганимизга минг қарра шукр. Тўқин ҳаётимиз, юртимиздаги тинчлик-фаровонликка кўз тегмасин...

Йилдан йилга бунёд этилаётган файзли уйлар, обод кўчалар, маҳаллалар, янги қишлоқлар юртимиз кўркига кўрк қўшмоқда. Янги уйларга кўчиб ўтаётган ёш оилалар ҳовли тўйларини ўтказиб, фаровон ҳаёт кечиришмоқда. Кўнгли хотиржам юртдошларимиз мустақиллигимизни мустахамлаш йўлида ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

■ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

■ Тошкент кўчаларини кезар экансиз, бетактор услубдаги иншоотларга кўзингиз тушади. Уларга ҳайрат билан боқиб, баҳри-дилигингиз очилади. Қурувчи-усталарнинг санъатига, меҳнатига қойил қоласиз.

Қилинган иш сифати билан қимматли

«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси пойтахтимиздаги муҳташам иншоотларнинг аксарияти қурилишига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Минглаб футбол муҳлислари қувончига сабаб бўлган «Бунёдкор» стадиони, «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи шулар жумласидандир.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган матбуот анжумани «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси фаолиятига ва қурилиш соҳасида олиб борилаётган ишларга бағишланди.

Унда компаниянинг асосий вазифалари, ижтимоий соҳа объектларини белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш прогнози бажарилишини таъминлаш, архитектура ва шаҳарсозлик даражаси талабларига риоя қилиш ҳамда капитал қўйилмалар самарадорлигини ошириш, инвестиция даври муддатларини қисқартириш каби масалалар бўйича ахборот берилди.

Утган йилнинг январь-декабрь ойларида «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 314 млрд. 102 млн. сўмлик маблағ ўзлаштирилган бўлиб, 73 та объект фойдаланишга топширилди. 2010-2014 йилларда 68 та умумтаълим мактаби, 55 та касб-хунар коллежи, 12 та академик лицей, 35 та соғлиқни сақлаш объекти, 54 та мусиқа ва санъат ҳамда спорт мактаблари, 10 та «Баркамол авлод» болалар ижодиёти маркази, 7 та маданият ва аҳоли дам олиш марказида капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қурилиш ишлари амалга оширилди.

Анжуман савол-жавоблар билан қизгин тусда ўтди. Журналистларнинг бажарилган ишларнинг сифатини қим қай тартибда назорат қилади, деган саволга **компания директори Собиржон Орипов** қуйидагича жавоб берди:

— Қилинган иш ўзининг сифати билан қимматли. Ҳар бир иш компания томонидан назорат қилиб борилади. Масалан, йўл қурилишини олайлик. Янги йўл биттигидан сўнг, махсус гуруҳларимиз йўлни пийда айланма қилишди. Камчилик аниқланса, ўша ернинг ўзида бартараф қилинади. Барча объектларни шу тарихи назоратга оламиз.

Тадбир давомида бозор, савдо расталари, хизмат кўрсатиш шохобчаларини замонавий қиёфга келтириш борасида компания томонидан ишлаб чиқилган бир қатор муҳим ишларнинг режаси иш-тироқчиларга тақдим этилиб, бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Бобур ЭЛМУРОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



■ ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

Судья бошқаларга ўрнатилган бўлиши

ва фуқароларда судга, судьяга нисбатан ҳурмат уйғота олиши лозим

■ Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар судья ва суд тизими ходимларига муайян ваколатлар бериш билан бирга, улар зиммасига жиддий масъулият ҳам юклайди. Судьялардан касбий фаолияти ҳамда хизматдан ташқари вақтларда судьялик одоб-ахлоқи қоидаларига қатъий риоя қилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий маълака комиссиясининг қарори билан тасдиқланган Судьялар одоб-ахлоқи қоидаларида ушбу соҳа вакилларига қўйиладиган талаблар аниқ белгиланган:

Мисол учун, суд этикаси деганда, суд ишларини адолатли амалга оширишнинг маънавий асослари тушунилади. Одил судловнинг мақсади — бу инсонпарварликдир. Яъни, суд маданиятининг асосини судьялик одоб-ахлоқ қоидалари ташкил этади.

Судьянинг ҳар бир хатти-ҳаракати жиддий бўлиши керак. Судья ўз ваколати доирасида қонунларни қўллаш, қонун бузилишининг олдини олиши ҳамда ҳуқуқ бузилган шахсни ҳимоя қилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, судьянинг ўзи қонунларга тўлиқ риоя этиши, уларни ҳурмат қилиши зарур. Шундагина у бошқалардан ҳам қонунларга риоя этишини талаб қилишга ҳақли бўлади.


Судьянинг ҳуқуқ-атворида қўйиладиган умумий талабларга кўра, судья ҳар қандай вазиятда ўз шаъни ҳамда қадр-қимматини сақлаши, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиши, камтар, ҳушмуомала бўлиши, ҳеч кимга нисбатан қўпол муносабатда бўлмаслиги, одил судловни амалга оширишда унинг ҳолислиги, мустақиллиги ва бегаразлигига шубҳа туғдириши, судьянинг шаъни, қадр-

қиммати ва ишчанлик обрўси ҳамда суднинг нуфузига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиш шарт.

Судья ўз фуқаролик ҳуқуқларидан виждонан фойдаланиши ва фуқаролик мажбуриятларини бажариши лозим. Судья ўз мақомидан ўзи учун, шу билан бирга, қариндошлари ва бошқа шахслар учун бирон-бир манфаат, хизмат, тижорат ёки бошқа бирор мақсадда фойдаланмаслиги талаб этилади. Шунингдек, шахсий масалалар юзасидан турли давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқаруш органларига мурожаат қилганда ўз мавқени суистеъмол қилмаслиги, одил судлов фаолиятини амалга оширганлиги учун ҳақ олмаслиги шарт.

Судья шахсларнинг касбий фаолиятини амалга оширишга таъсир кўрсатаётганлиги ёки таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ҳулоса чиқариш имконини берадиган хатти-ҳаракатига барҳам бериши, суд аппарати ходимлари, процесс иштирокчилари томонидан одоб-ахлоқ меъёрлари бузилишини эътибордан четда қолдирмаслиги керак.

Бундан ташқари, судья ўз хатти-ҳаракатлари билан бошқаларга ўрнатилган бўлиши, шу орқали фуқароларда судга, судьяга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғота олиши лозим. Суд махлисларида томонларнинг вакиллари ўринсиз танқид қилмаслиги, уларнинг шахсиятига тега-



диган гапларни айтишдан ўзини тийиш, фақат қонун асосида иш тутиши керак. Ишни кўриш вақтида процесс иштирокчиларининг унга маълум бўлган сирларини ошкор қилмаслиги, қонун бузилган ҳар бир ҳолатга ўз баҳосини бериши лозим.

Иш жараёнида судьяга нисбатан бевосита ёки билвосита таъсир ўтказишга уринишлар бўлиши мумкин. Бундай пайтларда у босиқ, иродали бўлиши, ҳар бир хатти-ҳаракатини ўйлаб кўриши, давлат ва жамият олдида масъуллигини унутмаслиги лозим.

Андиша халқимизга хос қизилат бўлиб, босиқлик, шарм-ҳаё, мулоиймлик қабилида ўз ифодасини топади. Судья ҳамма жойда, яъни ишда, уйда, кўчада ва бошқа жойларда аввало ўзининг тарбияси билан бошқаларга ўрнатилган бўлиши керак. Айниқса, ишда бирон-бир англашилмовчилик юзга келса, уни босиқлик билан ҳал этиши лозим. Зеро, бу билан у бир инсоннинг ҳуқуқини ҳимоя қилган бўлади.

Судья ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз виждонига қарши бормаслиги, ҳақ гапни айтиши лозим. Шундагина у судья деган юксак номга лойик бўлади. Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша сир-асрори бўлгани каби суд соҳасида ҳам бошқаларга ошкор қилиб бўлмайдиган маълумотлар мавжуд. Ушбу маълумотларнинг ошкор бўлмаслиги учун масъулият тўлалигича

судьялар зиммасига юклатилади.

«Судлар тўғрисида»ги қонуннинг 66-моддасида судьяларнинг ҳақ тўланадиган бошқа ишлар билан шуғулланиши тақиқланган. Бу ҳолат қонунда аниқ-равшан кўрсатилгани сабабли судьялар ҳақ тўланадиган бошқа ишлар билан шуғулланмайди. Судья ўзининг асосий вазифасига путур етказиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятдан ўзини тийиш доркор.

«Судьялар одоб-ахлоқи қоидалари»нинг 10-моддасида хизматдан ташқари вақтда фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ чекловлар белгиланган бўлиб, судья хизматдан ташқари вақтда қонунда белгиланган чекловлар доирасидан четга чиқишига ҳамда суднинг обрўсига, судьянинг ҳолислиги, мустақиллиги ва бегаразлигига салбий таъсир кўрсатишига олиб келиши мумкин бўлган фаолият билан шуғулланмаслиги ва оммавий тадбирларда иштирок этмаслиги керак.

Судья суд ресурслари ва ҳодимларидан шахсий мақсадда фойдаланмаслиги лозим. У ҳуқуқий маслаҳат беришга ва бошқа ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга ҳақли эмас.

Хулоса қилиб айтганда, судья жамиятнинг энг илғор қатлами сафидан, ҳар томонлама қомил инсон бўлиши керак. Чунки, унинг чиқарадиган қарорлари инсон келажаги ва тақдирини ҳал қилади. Демак, судья қанча билимли, ҳолис бўлса, ундан ҳам одамлар, ҳам жамият манфаат кўради.

Ҳайриддин ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қибрай туман суди раиси.

Дунё

Океан суви илиб бормоқда

Канада ва АҚШ иқлимшунослари Тинч океанида аномал ҳолат кузатилаётганини қайд этдилар. Яъни океан суви Аляскадан Мексикагача бўлган ҳудудда илиб бораётгани, бу жараён Беринг денгизигача етиб бориши мумкинлиги олимларни ўйлантириб қўймоқда.



Сувнинг илиши юз метр чуқурликка етиб бораётгани ва сув ҳарорати одатдагидан 4 даража юқори эканлиги эса ҳайратни янада оширмоқда.

Тинч океани сувининг ҳарорати кўтарилиб бораётгани дастрлаб 2013 йил охирида аниқланганди. Ушунда олимлар жуда улкан сув циркуляцияси масаласи пайдо бўлганлигини қайд этишганди. Қиш мавсумида сувнинг совимаслиги, баҳорда эса ҳарорати янада кўтарилганлиги уларни таажубга солганди. Бу эса ўз навбатида сайёра иқлимига ўз таъсирини ўтказмай қолмади: қишнинг илиқ келиши ва ёзнинг ўта иссиқ бўлиши айнан шунинг оқибатидир.


Олимларнинг айтишича, илиқ сув юзасидан ўтган ҳаво оқими намликка тўйинмаганлиги боис кўпгина ҳудудларда, аниқроғи, Шимолий Американинг ғарбий қирғоқларида қургўқчилик юзга келишига сабабчи бўлди. Шу вақтнинг ўзида минтақанинг шарқий қирғоғида эса қишнинг қаҳратони забтга олгани, яъни Нью-Йорк ва Вашингтонда қор бўронлари кузатилиши иқлимшуносларни янги изланишлар сари ундади.

Олимлар ҳавфсирашмоқдаки, Тинч океанида кузатилаётган бундай аномал ҳолат Шимолий Америка иқлимини ўзгартириб юбориши ҳеч гап эмас.

Иқлимшуносларнинг дастлабки ҳулосаларига қараганда, Тинч океани сувининг илиб бориши инсоннинг табиатга таъсири оқибатида юзга келаётган иқлим ўзгаришларининг натижаси эмас. Илмий таҳминларнинг бирида қайд этилишича, бу жараён Камчатка ва Аляска ҳудудларида тектоник фаоллигининг юзга келиши билан боғлиқ экан. Бироқ бу жараён айнан тектоник фаоллик билан боғлиқми, сувнинг илиши қанчалик давом этади, деган саволларга жавоб топишга ҳозирча фан олами ожизлик қилмоқда, дейилади «Мир новостей» ҳафталигида чоп этилган ахборотда.

Антибиотиклар инфекциялар чидамлилигини ошириб юбормоқда

Мексиканинг санитар назорати бўйича федерал комиссияси маълумотларига кўра, мамлакатда йилга 70,5 миллиондан ортиқ қўти ҳажмида турли антибиотиклар савдоси амалга оширилган. Бу жуда кўп миқдор бўлиб, ачинарлиси, унинг 40 фоизи амалдаги қондаги зид равишда рецептсиз сотилган.



Шу боис ҳам Мексика маъмурияти мамлакат дорихоналарида шифокор рецептсиз антибиотиклар савдосига чек қўйиш мақсадида назоратни кучайтирган. Текширувларда рецептларнинг ҳақиқийлигига ҳам алоҳида аҳамият қаратилади.

Бундай текширувларни амалга оширишга сабаб, мамлакат аҳолиси томонидан антибиотиклар ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилинишидир. Бу эса инфекцияларнинг дориларга чидамлилигини ошириб юбормоқда.

Дорихоналарда рецептсиз савдо аниқланса, белгиланган тартибга кўра, йирик миқдорда жарима солинади ва ҳатто лицензияси бекор қилиниши ҳам мумкин.

■ «КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА КЕКСАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРГА ТИББИЙ ВА ИЖТМОИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ ДАРАЖАСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ Бўйича ТАДБИРЛАРНИ МОЛИЯЛАНТИРИШГА БАРЧА МАНБАЛАР ҲИСОБИДАН ҚАРИЙБ 593 МИЛЛАРД СўМ ЙўНАЛТИРИЛДИ.



■ АНИК МАҚСАДГА ЙўНАЛТИРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР КОМПЛЕКСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ НАТИЖАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИ МОБАЙНИДА 141 МИНГТАДАН Ортиқ Янги иш ўрни очилиб, улардан 88 мингтадан ортиғи ёки 62,6 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

САМАРҚАНД ФАВВОРАЛАРИ

ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ

1 май куни Самарқандда «Фавворалар сайли» бўлиб ўтади

■ Испания элчиси Клавихо Амир Темуридан барпо этилган Дилкушо боғида бўлганида беҳад ҳайратга тушиб, ўз таассуротларини қуйидагича баён этган эди: Подшоҳ саройида суви тепага отилиб турган фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди...

— Клавихонинг ажабланганича бор, — дейди Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти профессори, техника фанлари доктори Уткир Соатов. — Амир Темуридан даврида юртимизда қурилган фавворалар ҳали Европа халқлари учун нотаниш эди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлиқи беришича, Амир Темуридан ўз боғларида турли мармар ва гуллар билан сайқал берилган фавворасимон ховузалар бунёд эттирган. Уларга махсус мослама орқали сопол қувурлардан сув тушиб турган. Бундай гўзал манзаралар ўша давр мусаввирлари яратган асарларга ҳам муҳрланган. Бу — Алишер Навоий асарлари ва «Бобурнома»га ишланган миниатюраларда ҳам намоён бўлади.

Археологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бундай фавворалар Самарқанддаги Дилкушо боғида, Шаҳрисабздаги Оқсаройда ҳамда Бухорода ҳам бўлган. Мураккаб муҳандислик-қурилиш ёнми асосида бунёд этилган фавворалар аж-додларимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, меъморчилик санъати нақадар юксак бўлганлигидан далолат беради.

Амир Темуридан ўз даврида Шаҳрисабзда ҳар 200 метр масофада фавворалар қуришни жорий этган.

Бугунги кунда Самарқандда

Ҳозирги кунда Самарқанд фавворалари замонавий фан-техника ютуқлари асосида бунёд этилмоқда. Самарқанд узра тун чўққанда йўлбарслар хиёбони ҳамда Темир йўл вокзалидаги фавворалардан рангин нурлар таралади. Регистон ва Даҳбет кўчалари чорраҳасидаги, Рўҳобод ва Кўксарой майдонларидаги фавворалардан эса мусиқа янграйди. Бу кўна ва хамиша навқирон Самарқандни янада тароватли ва фусункор қилиб кўрсатади. Шу боис бу жойлардан зиёратчилар, хорижий сайёҳлар қадами узилмайди.

Бугунги кунда Урганч, Пайарик, Нуробод, Пастдаргом, Самарқанд туманлари ҳамда Каттақўрғон шаҳрида ҳам нури-мусиқали фавворалар қурилганлиги эътиборга сазовордир. Маълумотларга қараганда, Самарқанд вилоятидаги мавжуд 47 та фавворанинг 8 таси нури-мусиқали, 30 таси нури ва 9 таси оддий фавворалардан иборат.

— Самарқанддаги меъморий ёдгорликлар, муқаддас қадим-жолари қўриб ҳайратландим, — дейди французлик сайёҳ Рейнат Даниел. — Мен Самарқанд фаввораларини яхши қўриб қолдим. Айниқса, тунда кўна шаҳар ўзгача жозиба касб этади. Ўшада фавворалар овози кишини чўқур ўйга толдиради...

Аслида фонтан, яъни, фаввора сўзи лотинчада «фонс» — манба, чашма демакдир. Ай-тишларича, қадимдан одамлар



гейзерга қараб, сунъий равишда уни яратишга интилиши натижасида фавворалар юзага келган. Урта Осиёда фавворалар қурилиши XIV-XV асрларда кенг ривожланган. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан фавворасозлик меъморий ва мазмун жиҳатидан янада бойитилди. Айниқса фавворалар кичик меъморий шакллар ва сув иншоотлари сифатида кенг ривожланди.

— Курсдошларим билан шаҳар айланганимда қадимий Самарқанднинг гўзал боғлари, камаларидек жилганган фаввораларига қараб қувонаман, — дейди Самарқанд давлат университети магистранти, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби Умида Жўраева.

— Университет хиёбонидан те-атр майдонига, Рўҳобод меъморий мажмуасига ёки Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғига, хуллас, қайси томонга юрманг, сержило фаввораларга дуч келасиз. Марвариддек сув томчиларининг қўёш нурида товланиши қалбга ҳузур ва илҳом бахшида этади. Регистон ва Даҳбет кўчалари чорраҳасидаги нури-мусиқали фаввора биз ёшлар учун энг севишли масканлардан бири ҳисобланади. Шу боис бўш вақтларимизни қўпинча шу ерда ўтказишга одатланганмиз. Самарқанднинг ҳар бир майдонида, хиёбонида, боғи роғларида фавворалар мавжудки, уларни қўриб, томоша қилиб, қалблар роҳатланади, кўнгиллар завқ-шавққа тўлади...

— Самарқанд шаҳрида яшаётганимга ярим асрдан кўпроқ вақт бўлди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Ҳасан Нормуродов. — Бугун бу гўша кун сайин чирой очиб, обод бўлиб бормоқда. Самарқанд фавворалари атрофи нафақат ёшлар билан, балки кексаларимиз билан ҳам хамиша гавжум. Халқимиз бе-вибли масканлардан бири ҳисобланади. Шу боис бўш вақтларимизни қўпинча шу ерда ўтказишга одатланганмиз. Самарқанднинг ҳар бир майдонида, хиёбонида, боғи роғларида фавворалар мавжудки, уларни қўриб, томоша қилиб, қалблар роҳатланади, кўнгиллар завқ-шавққа тўлади...

Абдусул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

СПОРТ

Кеча футбол бўйича Ўзбекистон кубоги 1/16 финал учрашувлари ўтказилди.

Ўзбекистон кубоги: 1/16 ФИНАЛ ГОЛИБЛАРИ

Бир учрашувдан иборат мазкур босқич баҳслари қуйидагича якунланди: «Ўз-Донг-Жу» (Андижон) — «Сўдиёна» (Жиззах) — 2:3, «Аланга» (Косон) — «Навбахор» (Наманган) — 0:3, «Цементчи» (Қувасой) — «Олмалик» (Олмалик) — 3:2, «Машғал-2» (Муборак) — «Андижон» (Андижон) — 0:1, «Шердор» (Самарқанд) — «Машғал» (Муборак) — 0:2, «Орол» (Нукус) — «Шўртан» (Фузур) — 0:1, «Пахтакор-2» (Тошкент) — «Динамо» (Самарқанд) — 2:0, «Обод» (Тошкент) — «Қизилқум» (Навоий) — 5:2, «Хотира-79» (Уйчи) — «Қўқон-1912» (Қўқон) — 1:2, «НБУ-Осиё» (Тошкент) — «Бухоро» (Бухоро) — 1:4, «Бунёкор-2» (Тошкент) — «Металлург» (Бекобод) — 3:5, «Оқтепа» (Тошкент) — «Нефтчи» (Фарғона) — 4:1. Қуръага кўра, энди нимчорак финалда қуйидаги жуфтликлар ўзаро куч синашди: «Локомотив» — «Навбахор», «Андижон» — «Металлург», «Пахтакор-2» — «Бухоро», «Оқтепа» — «Насаф», «Бунёкор» — «Обод», «Сўдиёна» — «Қўқон-1912», «Машғал» — «Цементчи», «Шўртан» — «Пахтакор».

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.

Навбат — финал баҳсларига!

Кўл тўпи ва баскетбол бўйича «Умид ниҳоллари — 2015» спорт ўйинлари финал босқичи қатнашчилари номи маълум бўлди.

Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар (ўсмирлар ва қизлар) терма жамоалари иштирок этган кўл тўпи баҳсларига Нукус шаҳри мезбонлик қилди.

Қарийб бир ҳафта давом этган

қизлар ўртасидаги учрашувлар якунида Навоий, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси терма жамоалари финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Ўсмирлар ўртасида кечган баҳсларда эса Жиззах, Самарқанд вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси ёш гандболчиларига тенг келадигани топилмади. Энди улар Урганчда бўладиган ҳал қилувчи

учрашувларда курашни давом эттиришди.

Баскетбол бўйича минтақавий босқич учрашувлари Фарғона шаҳрида уюштирилди. Унда қизлар ўртасида Фарғона, Наманган вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари кучли тўртликдан жой олди.

Ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда эса Самарқанд, Навоий вилоятлари,



Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ёш баскетболчилари муваффақиятли қатнашди ва «Умид ниҳоллари — 2015» спорт ўйинлари финал босқичи йўлланмасига сазовор бўлди.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама

ООО «KRANTAS»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

 АВТОЦИСТЕРНА БЕИЗОВОЗ (МАСЛОВАЗ, НЕФТЕВАЗ) НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 10м³, 12м³, 15м³ ГАРАНТИЯ 1 ГОД	 АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 8м³, 10м³, 12м³	 АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» ИЛИ «ISUZU» 6 м³, 8 м³, 12 м³
 КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 8м³, 12м³	 ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» ИЛИ «MAN» (4x4) ИЛИ (6x6) 18-24 ЧЕЛОВЕК	 АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» ИЛИ «MAN» 6м³ ИЛИ 10 м³

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

ТАДБИР

Тошкент шаҳрида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фронти фахрийларини эъзозлашга бағишланган тантанали тадбирлар ўтказилмоқда.

БУ КУНЛАРИНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида уюштирилган маданий-маърифий тадбир байрамона тусда ўтди. Унда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабининг 70 йиллиги муносабати билан пойтахтимизнинг Олмасор ва Учтепа туманида истиқомат қиляётган уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларига тантанали равишда эсдалик юбилей медаллари топширилди. Бир пилла чой устида кечган файзли ва самимий суҳбат давомида кексаларимиз дунёда бўлаётган нотинчликлар ҳақида сўзлаб, обод ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, кераклигини алоҳида таъкидлашди.

— Президентимизнинг уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларини манзилли ижтимоий муҳофиза қилиш, тўғрисидаги фармони ижросини таъминлаш бўйича, қатор чора-тадбирлар ўтказилмоқда — дейди Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдурахимова. — Пойтахтимизда истиқомат қиляётган кексаларимизнинг соғлиқларини тиклаш, уларга етарлича ғамхўрлик қилиш мақсадида йилнинг истанган ойда уларнинг хоҳишига кўра, сикатхоналарга бепул йўлланмалар берилляпти. Шу билан бирга яшаш шароитлари ўрганиб чиқиш, ёрдамга муҳтож кексаларимизга моддий кўмак кўрсатилмоқда.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирга Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Республика «Нуроний» жамғармаси, «Махалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази, Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди ҳамда бир қатор ташкилот ва идоралар ҳамкорлигида ўтказилди.

Озода БЕКМУРОДОВА

ОБ-ҲАВО 30.04-01.05 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+10 / +15 +22 / +27

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+13 / +18 +25 / +30

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

+9 / +14 +23 / +28

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

+13 / +18 +23 / +38

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

+9 / +14 +22 / +27

Тошкент шаҳри

+12 / +14 +26 / +28

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +15 / +11

Париж +12 / +12

Москва +13 / +16

Мадрид +24 / +23

Пекин +32 / +26

Канберра +17 / +17

Рим +21 / +22

Афина +23 / +24

Токио +23 / +25

Стокгольм +13 / +9

Кейптаун +19 / +18

Қоҳира +32 / +31

Гавана +27 / +26

Вашингтон +22 / +17

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси банк ҳодими Қозимжон Мирзаева турмуш ўртоғи Дилфуза МИРЗАЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Нуроний» жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими меҳнат фахрийси Мавжуда ЭШМУРОДОВанинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 459
18 272
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 22.30

Sotuvda kelishilgan narsada

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDURAZOV

ISSN 2010-7633



1 2 3 5 6